



” 11 ” январь 2011 у. № БА/31-01/1-34-13/15

Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича
Ғазначилик бошқармаларига

Молия вазирлиги Ғазначилигининг
Амалиёт бошқармасига

Бюджетдан маблағ олувчиларга

Нусхаси:

Молия вазирлиги
Ахборот-ҳисоблаш марказига

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги тегишли ғазначилик бўлинмаларида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасининг тўлови билан боғлиқ операцияларини “Ғазначилик” компьютер дастурида акс эттириш билан боғлиқ саволлар юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси харажатлар сметасининг 41 11 100 – “Асосий иш ҳақи” харажат моддасида режалаштирилади.

“Ғазначилик” компьютер дастури орқали вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси бўйича харажатларни амалга оширишда харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритилмайди, балки бюджетдан маблағ олувчилар иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш учун сўровномаларда харажатлар таснифининг тегишли коди яъни 47 11 120 – “Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси” бўйича тўловларни алоҳида кўрсатган ҳолда сўровномаларни ғазначилик бўлинмасига тақдим этадилар.

Ғазначилик бўлинмаларининг тегишли ходимлари бюджетдан маблағ олувчиларнинг нақд пул маблағларини олишга сўровномаларини “Ғазначилик” компьютер дастурига харажатлар таснифининг тегишли 47 11 120 – “Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси” кодини танлаб киритадилар ва ўрнатилган тартибда харажатларни амалга оширадилар.

41 11 100 – “Асосий иш ҳақи” ва 47 11 120 – “Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси” харажатлар моддалари бўйича харажатларнинг умумий суммаси харажатлар сметасининг 41 11 100 – “Асосий иш ҳақи” харажат моддасида режалаштирилган умумий суммадан ошмаслиги “Ғазначилик” компьютер дастури орқали автоматик тарзда назорат қилинади.

Мазкур хат талаблари ижроси устидан назорат тегишли ғазначилик бўлинмалари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

Ғазначилик бошлиғи –
вазир ўринбосари

Б. Ашрафхонов